

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил январь ойининг 12 куни, жиноят ишлари бўйича Қизириқ туман суди, Қизириқ туман “Шодлик” МФЙ биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг раиси А.Курбоновнинг раислигида, Х.Абдусаломовнинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қизириқ туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ж.Мусаев, судланувчи ХХХХ ва унинг ҳимоячиси “Adolat” адвокатлик бюроси адвокати А.Шароповнинг иштирокида, ХХХХга нисбатан 1-1907-2504/413-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

ХХХХ 2002 йил 8 апрель куни Термиз шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилалик, 1 нафар фарзанди бор, ишсиз, муқаддам судланмаган, [REDACTED] -уйда яшайди, 2025 йил 6 октябрь куни “Гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 20 октябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича текшириб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи ХХХХ гиёҳвандлик моддаларини қонунга ҳилоф равишда сақлаб келаётганлиги ҳақидаги Термиз шаҳар ИИБ ТҚХ ЖКБ ходимларида мавжуд маълумот ва “Х” исмли шахснинг аризасига асосан 2025 йил 09 сентябрь куни соат 19:25 ларда Термиз шаҳар “Ўзбекистон” маҳалласи ҳудудида ўтказилган тезкор тадбир жараёнида мазкур тезкор тадбир жараёнига шартли равишта киритилган “Х” исмли шахснинг бошқарувида бўлган “Tracker 2” русумли давлат рақам белгиси 75 D 906 YA бўлган автомашинасининг бар қисмига ўзига тегишли бўлган қорамтир рангли, ўзига хос ўткир ҳидли, гашиш гиёҳвандлик моддасига ўхшаш моддасини қолдириб, ўзи мазкур маҳалла ҳудудида жойлашган “Ўзбегим” номли савдо маркетига тушиб кетган вақтида мазкур автомашинадан ХХХХга тегишли бўлган қорамтир рангли, ўзига хос ўткир ҳидли, гашиш гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда холислар иштирокида далилий ашё тариқасида ҳужжатлаштирилиб олинган.

Сурхондарё вилояти ИИБ ЭКБнинг 10.09.2025 йилдаги №491-сонли хулосасига кўра, ХХХХга тегишли бўлган тўқ малла рангли, ўзига ҳос ҳидли, пластилинсимон моддалар таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканабинол мавжуд бўлиб, гиёҳванд воситалар турига киради



ва Гашиш (анаша) Смола каннабиса гиёҳвандлик воситаси дейилиши ва соф оғирлиги 0.63(нол бутун юздан олтмиш уч) граммни ташкил этиши аниқланган.

Вилоят суд-наркология экспертизасининг 18.09.2025 йилдаги №417-сонли ҳулосасига кўра, XXXX Норкамания (Гашиш) билан билан касалланганлиги сабабли, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасини қўллаб, мажбурий тиббий даволанишга мухтож эканлиги аниқланган.

Судланувчи XXXX судда, айбига тўлиқ қирорлик билдириб, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлашини, дастлабки ўзи тахминан бир йиллардан буён гашиш гиёҳвандлик воситасини 0.5 литрлик бакалашкага тайёрлаб, гоҳида истеъмол қилиб келганлиги, шу вақтгача ўзи истеъмол қилиб келган гашиш гиёҳвандлик воситасини шаҳарнинг “Эски шаҳар” маҳалласида ўзи билан қўшни бўлиб яшаган, 2025 йил апрель ойида вафот этган тоғаси Ф.Абдиевдан олганлиги, ўзи гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиб юришлиги ҳақида марҳум тоғаси Ф.Абдиевдан ташқари бирор бир киши билмаслиги, тоғаси Ф.Абдиевнинг вафот этишидан олдин тоғасидан ўзининг истеъмоли учун гашиш гиёҳвандлик воситасини олганлиги, ушбу гашиш гиёҳвандлик воситасини ўзининг кейинчалик истеъмол қилиши учун ўзининг ёнида сақлаб келганлиги, 2025 йил 9 сентябрь куни тушлиқдан сўнг, унга илгаридан таниш бўлган “Али” исмли ўртоғи унга кўнғироқ қилиб, ўзининг истеъмоли учун гашиш гиёҳвандлик воситаси бўлса унга сотишини, агар ўзида йўқ бўлса унга танишларидан топиб беришини сўраганлиги, “Али” исмли ўртоғига ўзида ўзининг истеъмоли учун озроқ миқдорда гашиш гиёҳвандлик воситаси борлиги, аммо у ўзининг кейинчалик истеъмол қилишлиги учунлиги, ушбу гашиш гиёҳвандлик воситасини ҳеч кимга сотмаслиги, сотиш нияти йўқлигини айтганлиги, ҳамда унда гиёҳвандлик воситаларини сотадиган танишлари ҳам йўқлигини айтганлиги, шунда “Али” исмли таниши унга унинг қаерда эканлигини ёнингизга бораман деганлиги, “Али” исмли ўртоғига ўзи вилоят кўп тармоқли болалар шифохонасида эканлигини айтганлиги, сўнг орадан 30-40 дақиқа ўтгандан сўнг “Али” исмли таниши унинг ёнига “Тракер 2” русумли автомашинасида келганлиги, ўзи унинг бошқарувидаги автомашинасининг олд йўловчи ўриндиғига ўтирганлиги, Али исмли таниши билан бирга Термиз шаҳар “Ўзбекистон” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Ўзбегим” номли савдо маркети ёнига борганлиги, ўзи учун тамаки ҳарид мақсадида “Ўзбегим” савдо маркетига бориш мақсадида автомашинадан тушиб кетаётган вақтида таниши “Али”нинг ҳаракатларидан шубҳаланиб, ўзининг ёнида бўлган ўзининг истеъмоли учун ёнида сақлаб юрган гашиш гиёҳвандлик воситасини ўзи ўтирган “Тракер 2” русумли автомашина олд бар қисмида қолдириб, ўзи савдо маркетига кириб кетганлиги, савдо дўконидан чиқиб келишганида уларнинг ёнига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари келиб ўзларини таништириб, тезкор тадбир ўтказилаётганлигини айтганлиги, унинг ёнини холислар иштирокида кўздан кечирганлиги, кўздан



кечириш вақтида унинг ёнида бирон бир таъқиқланган нарса ва буюмлар аниқланмаганлиги, сўнг ИИБ ходимлари ёнидаги “Али” исмли танишининг ёнларини кўздан кечирганлиги, танишининг ёнидан ҳам бирор нарса ва буюмлар аниқланмаганлиги, Али исмли танишининг автомашинасини холислар иштирокида кўздан кечирганлиги, кўздан кечириш вақтида автомашинадан унга тегишли бўлган, ўзининг истеъмоли учун ёнида сақлаб юриб, дўконга кириб чиқишидан аввалроқ ўзи Али исмли танишининг автомашинасига ташлаб қўйган гашиш гиёҳвандлик воситасини топиб олганлиги, мазкур гиёҳвандлик воситаси кимга тегишли эканлигини сўрашганида, ўтказилган тезкор тадбирдан қўрқиб қолиб, ушбу жойнинг ўзида мазкур гиёҳвандлик воситаси унга тегишли эканлигини айтмаганлиги, шундан сўнг мазкур ҳолатни расмийлаштириш учун уларни шаҳар ИИБ биносига олиб келганлиги, сўнг айбига иқрорлигини билдирганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини айтганлиги, мазкур гашиш гиёҳвандлик воситаси унга тегишли эканлигини айтганлиги, ўзининг ёнидан аниқланган гиёҳвандлик воситасидан ҳеч кимга сотмаганлиги, сотиш нияти бўлмаганлиги, ушбу аниқланган гашиш гиёҳвандлик воситасини ўзининг истеъмоли учун ёнида сақлаб келганлиги, ўтказилган тезкор тадбир вақтида Али исмли танишига тегишли бўлган “Tracer 2” русумли давлат рақам белгиси 75 D 906 YA бўлган автомашинаси ичидан олинган 0.63 грамм бўлган “Гашиш”(наша) Смола каннабиса гёҳвандлик моддаси унга тегишли бўлганлигини, гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилишлиги, илгари у бирор кишига гиёҳвандлик моддасини сотмаганлиги, гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсади бўлмаганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ҳақида баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Н.Сафаров судда, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлашини, 2025 йил 9 сентябрь куни Термиз шаҳар “Маърифат” маҳалласи ҳудудида ўз ишлари билан юрган вақтида, ИИБ ходимлари бир иш юзасидан холис сифатида иштирога таклиф қилганлиги, уларнинг таклифига рози бўлганлиги, ундан ташқари яна бир нафар холис бўлганлиги, ИИБ ходимлари уларга ўтказиладиган ишнинг моҳиятини тушунтирганлиги, холис сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирганлиги, шундан сўнг, Термиз шаҳри “Ўзбекистон” маҳалласида тезкор тадбир амалга оширилганлиги, судланувчи ХХХХ тадбирга иштирокчи сифатида жалб қилинганлиги “Х” исмли шахс бошқарувида бўлган давлат рақам белгиси 75 0 906 YA бўлган қора рангли “Tracker 2” русумли автомобилга келиб ўтирганлиги, Термиз шаҳар “Ўзбекистон” маҳалласида жойлашган “Ўзбегим” номли савдо маркетидан чиқиб келаётган вақтида ИИБ ходимлари ХХХХни холислар иштирокида тўхтатиб ёнида тақиқланган нарса ва ашёлар бор ёки йўқлиги сўраганлиги, ХХХХ ёнида ҳеч қандай тақиқланган нарса ва ашёлар мавжуд эмаслигини маълум қилганлиги, кўздан кечириш давомийлигида ХХХХнинг ёнидан ва эгнида бўлган кийимининг чўнтагларидан ҳеч қандай тақиқланган моддалар борлиги



аниқланмаганлиги, сўнг ХХХХнинг ёнида турган "Х" исмли шахснинг ёни холислар иштирокида кўздан кечирилганда унинг ёнидан ва эғнида бўлган кийимининг чўнтақларидан ҳеч қандай тақиқланган моддалар борлиги аниқланмаганлиги, шундан сўнг ИИБ ходимлари "Х" исмли шахснинг бошқарувида бўлган давлат рақам белгиси 75 0 906 УА бўлган қора рангли "Tracker 2" русумли автомашинаси ички қисми кўздан кечирганлиги, мазкур автомашина олд томонида жойлашган бар қисми ичидан қорамтир малла рангли, ўзига хос ўткир ҳидли, "гашиш" гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда борлиги аниқланганлиги, ушбу қорамтир малла рангли, ўзига хос ўткир ҳидли, "гашиш" гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда конвертга солиниб муҳрланганлиги, шундан сўнг тадбир Термиз шаҳар ИИБ биносида давом эттирилганлиги, ХХХХдан ҳолат ҳақида сўралганда у "Х" исмли шахс бошқарувида бўлган давлат белгиси 75 D 906 УА бўлган қора рангли "Tracker 2" русумли автомобил ички қисми олд томонида жойлашган бар қисми ичидан топилган қорамтир малла рангли, ўзига хос ўткир ҳидли, "гашиш" гиёҳвандлик моддасига ўхшаш моддани ўзига тегишли эканлиги, "Ўзбегим" номли савдо маркетига киришидан олдин ушбу "гашиш" гиёҳвандлик моддасини автомобил ички қисми олд томонида жойлашган бар қисми ичига ташлаб савдо маркетига кириб кетганлиги, тахминан бир йилдан буён "гашиш" гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиб келишлигини айтганлиги, ҳолат юзасидан баённома расмийлаштирилганлиги, ўзи холис сифатида имзо қилганлиги, тадбир вақтида ИИБ ходимлари томонидан ҳеч кимга руҳий ёки жисмоний тазиқ, босим ўтказилмаганлигини баён қилди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини ва адвокатнинг фикрини тинглаб, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, ХХХХнинг жиноят содир этганликдаги айби, ўзининг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари қуйидаги далиллар билан, яъни:

-ҳодиса жойини ва автомашинани кўздан кечириш ҳамда нарсани ашёни олиш ҳақида баённома, фотожадвал ва 1 дона DVD диск (и.в 6-13);

-ХХХХнинг чин кўнгилдан пушаймонлик аризаси (и.в 21);

-Криминалистика экспертизасининг 2025 йил 10 сентябрдаги 491-сонли хулосаси (и.в 27-29);

-Суд-тиббий экспертизасининг 2025 йил 15 сентябрдаги 1032п-УВ-сонли хулосаси (и.в 39-41);

-Вилоят суд-наркология экспертизасининг 18.09.2025 йилдаги №417-сонли хулосаси (и.в 57), ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор, тушунтириш хатлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

ЖПКнинг 22-моддасида, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган



маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, қўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади.

Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги;

23-моддасида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 5-бандида, судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилиши;

16-бандида, ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-қўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги, шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан холисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олиши ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи ХХХХнинг жиноий қилмишлари Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши ҳақида тушунтириш берилган.



Суд ҳайъати, ХХХХга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, ЖКнинг 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ёшлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, шу билан биргаликда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, ЖКнинг 7 ва 8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принциплари талабларидан келиб чиқиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди санкциясида кўрсатилган турдаги жазо, озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилишни, Жиноят кодексининг 96-моддасига асосан ХХХХга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилиб, жазони ўташ вақтида гиёҳвандлик касаллигидан мажбурий тиббий даволашни;

Суд, ашёвий далил деб эътироф этилган, судланувчи ХХХХдан хужжатлаштириб олинган ва экспертиза тадқиқотларидан қолган ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармасининг ашёвий далилларни сақлаш хонасида квитанция асосида сақланаётган жами 0,61 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик моддасини ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни;

Тергов ҳаракатлари акс этган 1 дона ДВД дискларни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

### **ҲУКМ ҚИЛДИ:**

Судланувчи ХХХХ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

Судланувчи ХХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан ишлаш ёки ўқиш вақтидан ташқари яшаш жойи ҳисобланган [REDACTED]

[REDACTED] дан чиқишни чеклашдан иборат бўлган 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан чеклаш жазоси тайинлансин.

ХХХХнинг зиммасига назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, муайян жойларга, яъни ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекаларга бормаслик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик, Термиз шаҳар ҳудудидан ташқарига чиқмаслик, интернетдан фойдаланмасликдан иборат қўшимча тақиқ (чеклаш)лар юклатилсин.

Жазони ижро этиш Термиз шаҳар ИИО пробация бўлими зиммасига юклатилсин.



Озодликни чеклаш жазосини ижро этиш муддати, маҳкум жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

XXXXга озодликни чеклаш жазосини ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ЖК 48<sup>1</sup>-моддасининг 6-қисмида назарда тутилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Судланувчи XXXXга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ҳамда “гаров” тариқасида қвитанция билан Сурхондарё вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига тўланган 8.500.000 (саккиз миллион беш юз минг) сўм пул ҳукм қонуний кучга киргач гаровга қўювчи XXXXга қайтарилсин.

Жиноят кодексининг 96-моддасига асосан XXXXга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чораси қўлланилиб, жазони ўташ вақтида гиёҳвандлик касаллигидан мажбурий тиббий даволансин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган, судланувчи XXXXдан хужжатлаштириб олинган ва экспертиза тадқиқотларидан қолган ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармасининг ашёвий далилларни сақлаш хонасида қвитанция асосида сақланаётган жами жами 0,61 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик моддасини ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Тергов ҳаракатлари акс этган 1 дона ДВД диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида Сурхондарё вилоят суди кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи:**

**имзо**

**А.Курбонов**

**Аслига тўғри**

